

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МЕЛИЕВА ДИЛНОЗА АБДУРАЙИМОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ ХАВФИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ПРЕГРАВИДАР ТАЙЁРЛАНИШ ВА АНТЕНАТАЛ БОШҚАРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мелиева Дилноза Абдурайимовна

Преэклампсия хавфи бўлган беморларда прегравидар тайёрланиш ва антенатал бошқаришни оптималлаштириш..... 3

Мелиева Дилноза Абдурайимовна

Оптимизация прегравидарной подготовки и антенатального ухода у пациенток с риском преэклампсии..... 29

Meliyeva Dilnoza Abdurayimovna

Optimization of pregravid preparation and antenatal care in patients at risk of preeclampsia..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 62

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МЕЛИЕВА ДИЛНОЗА АБДУРАЙИМОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ ХАВФИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ПРЕГРАВИДАР ТАЙЁРЛАНИШ ВА АНТЕНАТАЛ БОШҚАРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2613 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Расуль - Заде Юлдуз Гулямовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубова Олтиной Абдуганиевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Д. Б. Асранкулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш. О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

О. А. Якубова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Преэклампсия ва эклампсия ҳомиладорликнинг асоратли кечишига сабаб бўлувчи гипертензив бузилишлар орасида оналар ва перинатал ўлимнинг асосий сабаблари сифатида алоҳида ажралиб туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...оналар ўлимнинг 14 фоизини ҳомиладорик давридаги гипертензив бузилишлар ташкил қилади, ҳомиладорларнинг 4,6 фоизи преэклампсия (ПЭ), 1,4 фоизи эса эклампсиядан азият чекадилар...»¹. Преэклампсия оқибатида дунё бўйича ҳар йили 76000 аёллар ва 500000 гўдаклар ўлими қайд қилинади ва бу кўрсаткичлар ривожланаётган давлатларда бир неча баробар юқоридир. ПЭ билан касалланган ҳомиладорларнинг қарийиб 30 фоизида плацентар етишмовчилик шаклланади, натижада ҳомила ривожланишининг бузилиши, унинг нобуд бўлиши кузатилади. ПЭ билан касалланган онадан туғилган ҳар бешинчи болада жисмоний ва асаб-рухий ривожланишнинг бузилиши кузатилади, неонатал ўлим кўрсаткичи эса 18 дан 30 фоизгача етиши мумкин. Бугунги кунда преэклампсия туфайли ҳомиладорликнинг оғир оқибатларини эрта аниқлаш, далилларга асосланган клиник тавсияларга мувофиқ зарур даволаш-профилактик чораларини талаб даражасида ташкил этиш тиббиётнинг, хусусан унинг туғруққа кўмаклашувчи тизимларининг ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳон миқёсида сўнги ўн йилликда юқори хатар гуруҳидаги аёлларда ПЭ ни прогнозлаш, унинг хавф даражасини тоифалаш имконини берувчи баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш бўйича сабб-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бироқ, преэклампсиянинг синдромал табиатга эгаллиги, ҳомиладорликнинг ушбу жиддий асорати ривожланишида кўплаб механизмлар мавжудлиги уни олдини олиш ва даволашда мураккабликлар келтириб чиқармоқда. Мазкур синдромнинг гетероген молекуляр йўллари ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги, аниқ ва махсус диагностик усулларнинг йўқлиги касалликни эрта аниқлаш ва мақсадли профилактик стратегияларни ишлаб чиқишдаги асосий тўсиқлардан ҳисобланади. Шу муносабат билан, ҳозирда ПЭ нинг хатар омилларини ўрганиш, унинг хавфини баҳолашда биомаркерларнинг прогностик аҳамиятини аниқлашга асосланган диагностик скрининг воситаларини ишлаб чиқиш орқали оғир ПЭ ва у билан боғлиқ она ва ҳомилада, шунингдек неонатал асоратларни камайтиришга йўналтирилган профилактик чоралар тизимини ишлаб чиқиш масаласи жуда муҳимдир.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш доирасида соғлом оналик ва болаликни таъминлаш, ҳомиладор аёлларда учрайдиган касалликларни барвақт аниқлаш, уларни самарали даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон-2030» стратегиясининг аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислохотларини таъминлашда «...ҳомиладорлик аниқланган вақтдан бошлаб туғуруқдан сўнг 42 кун ичида аёллар, гўдаклар ва беш ёшгача

¹Trends in maternal mortality 2000 to 2020: estimates by WHO, UNICEF, UNFPA, World Bank Group and UNDESA/Population Division. Geneva: World Health Organization; 2023.

болалар орасидаги ўлимни 2 баробарга камайтириш...» вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ПЭ нинг хос предикторларини эрта аниқлаш, ҳомиладорлар ҳолатини яхшилаш имконини берувчи махсус даволаш схемаларини ишлаб чиқиш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, мазкур синдромнинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелидаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ва 2023 йил 08 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Перинатологиянинг замонавий босқичида ПЭ нинг патофизиологик механизмларини англаш борасида муайян силжишларга эришилган бўлса-да, унинг этиологияси ва профилактикасининг самарали превентив чоралари фаол ўрганилмоқда. Охириги тадқиқотларга кўра ПЭ кўп омилли синдром бўлиб, унинг шаклланишида йўлдош фаолиятининг бузилиши, қон томирлар тизими, иммунологик ва ирсий омиллар иштирок этади^{3,4}. Сўнги йилларда ПЭ ривожланиш хавфини баҳоловчи плацентар ўсиш омили (PIGF), эрувчи fms-симон тирозинкиназа-1 (sFlt-1) ва ҳомиладорликка алоқадор А плазма оксиди (РАРР-А) каби биомаркерларни ўрганиш асосида скрининг алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда⁵. Бироқ, алоҳида маркерларнинг диагностик аниқлик даражаси, айниқса 2- ва 3-триместрда чекланганлигича қолмоқда. Мавжуд клиник тавсияларда (ACOG-American college of obstetricians and gynecologists; NICE-National institute for health and care excellence) юқори хавф гуруҳига кирувчи аёллар хатар гуруҳларини эрта аниқлаш ва уларда индивидуал профилактика ўтказиш учун ацетилсалицил кислота қўлланилиши муҳмлиги алоҳида таъкидланади⁶. Бироқ,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й.

³Gusella A, Martignoni G, Giacometti C. Behind the Curtain of Abnormal Placentation in Pre-Eclampsia: From Molecular Mechanisms to Histological Hallmarks. *Int J Mol Sci.* 2024 Jul 18;25(14):7886.

⁴Tamil Barathi P, Mohanapriya A. Pre-eclampsia: Re-visiting pathophysiology, role of immune cells, biomarker identification and recent advances in its management. *J Reprod Immunol.* 2024 Jun;163:104236.

⁵Bacmeister L, Buellesbach A, Glintborg D et al. Third-Trimester NT-proBNP for Pre-eclampsia Risk Prediction: A Comparison With sFlt-1/PIGF in a Population-Based Cohort. *JACC Adv.* 2025 Mar 19;4(4):101671.

⁶Andersen MF, Rode L, Christiansen ILR et al. Low-dose acetylsalicylic acid for the prevention of pre-eclampsia. *Ugeskr Laeger.* 2024 Apr 29;186(18):V10230682.

бу препаратни оптимал дозалаш, буюриш муддатлари ва профилактик чоралар ўтказилувчи бемор аёлларни танлаб олиш стратегиялари бўйича масалалар очиқлигича қолмоқда⁷.

Мамлакатимизда преэклампсия муаммоси, перинтал ўлим ва касалланишнинг таянч омилларидан бири сифатида оналар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифаларидан бири бўлиб хисобланади. Ҳомиладорликнинг ушбу асорати хавфини эрта аниқлаш, унинг диагностикаси ва профилактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган эпидемиологик, клиник-тахлилий тадқиқотлар олиб борилишига қарамай, унинг ривожланиш хавфини тоифалаш ва ягона скрининг тизим кўлами чекланган, шунингдек миллий соғлиқни сақлаш тизими шароитларига мослаштирилган локал клиник протоколларнинг танқислиги мавжуд⁸. Ушбу тадқиқотлар республикада ПЭ муаммосига илмий қизиқишлар кенглигидан далолат беради ва ҳомиладорликнинг бу асоратини эрта аниқлаш ва профилактика қилишнинг самарали скрининг усуллари ишлаб чиқиш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, ПЭ нинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашда муваффақиятга эришиш учун тиббий технологиялар ва ёндошувларни яхшилаш устида доимий тш олиб бориш туғруққа кўмаклашувчи тизимларнинг долзарб масалаларини белгилайди. ПЭ нинг ривожланиш сабаблари, хатар омилларини аниқлаш, скрининг технологияларини жорий қилиш бўйича бахс-мунозараларнинг ҳанузгача давом этаётганлиги, шунингдек адабиётларда мазкур муаммо ечими бўйича исботланган маълумотларнинг камлиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 21071401-сон «Ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратларини эрта аниқлаш ва олдини олиш усуллари такомиллаштириш» илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорлик асорати хавфи бўлган аёлларда самарали скрининг ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш орқали эрта преэклампсиянинг учраш даражасини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

клиник аломатлари эрта ва кеч намоён бўлувчи преэклампсиянинг хавф омиллари, учраш кўрсаткичи, ривожланиш муддатлари ва оғирлик даражасининг таркибий тузилмасини тадқиқ қилиш;

преэклампсия хавфини баҳолашда баъзи биомаркерларнинг башоратлаш самарадорлигини аниқлаш;

⁷Atkins B, Siassakos D. Optimising Aspirin Use for Pre-Eclampsia Prevention: The Critical Role of Dose, Timing and Adherence. BJOG. 2025 Apr;132(5):547-551.

⁸Sadikova H, Eshimbetova G, Musakhodjaeva D. Preeklampsiyasi bor ayollarda homiladorlikninig kechishi va perinatal natijasi. Xalqaro Ilmiy Pediatriya Jurnal. 2024; 3(2):509–511.

преэклампсия хавфи бўлган ҳомиладор аёлларни оптимал идентификациялашда икки компонентли скрининг самарадорлигини баҳолаш; оғир кечувчи эрта преэклампсиянинг учраш даражаси, унга боғлиқ она ва ҳомиладаги, ҳамда неонатал асоратлар сонини камайтиришга йўналтирилган превентив чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2023 йилларда Андижон вилоят перинатал маркази ва Андижон шаҳар 2-сон туғруқ комплексида скринингдан ўтказилган ва эрта преэклампсия аниқланган 534 нафар ҳамда преэклампсия хавфи бўлмаган, ҳомиладорлик асоратсиз кечган 40 нафар жами 574 нафар аёллар, шунингдек, преэклампсиянинг анамнестик хавф омиллари, уларнинг учраш даражасини ретроспектив таҳлили учун 2018-2022 йилларда даволанган 1621 нафар ҳомиладорларнинг туғруқ тарихи олинган.

Тадқиқотнинг предмети преэклампсия аниқланган ёки асоратсиз кечувчи ҳомиладорликка эга бўлган аёлларнинг умумий ҳолати, инструментал текширувлар ва қон зардобидоги плацентар ўсиш омили (PIGF), эрувчи fms-симон тирозинкиназа-1 (sFlt-1), аутоагрессив протеинлар ва липидлар антитаначалари каби биомаркерларни аниқлашни ўз ичига олган клиник-лаборатор ҳамда иммунологик текширув натижаларини комплекс баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун анамнестик, умумий клиник, лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси шароитида Андижон вилоятидан олинган катта репрезентатив танланмада преэклампсиянинг ўртача тарқалиши 7,3% да учраши, оналар ёшининг, туғруқ паритетининг, тана вазнининг ортиб бориши, шунингдек, анамнезда артериал гипертензия, метаболик синдром, қандли диабет, антифосфолипидли синдром каби касалликлар мавжудлиги преэклампсия ривожланишининг юқори хавф омиллари эканлиги ва уларнинг прогностик аҳамияти исботланган;

эрта ва кечки преэклампсия хавфини баҳолашда плацентар ўсиш омили (PIGF) концентрациясининг камайиши, эрувчи fms-симон тирозинкиназа-1 (sFlt-1) ва кардиолипинга (GPLC), фосфолипидга (GPLF) ва лептинга (GPLL) қарши антитаначалар миқдорининг эса ортиши билан намоён бўлувчи ахборотли диагностик биомаркерлар аниқланган;

эрта ва кечки преэклампсия ривожланиш хавфини предиктив баҳолашда онадаги хатар омиллари ва биофизик кўрсаткичларга асосланган икки компонентли скрининг самардорлиги тасдиқланган;

эрта преэклампсиянинг юқори хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг прегестацион парваришида қон томирлар эндотелийсини ҳимоловчи ва плацентар васкуляризацияни таъминловчи комплекс микронутриент ва антиагрегант профилактикага йўналтирилган ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ҳомиладорларда артериал гипертензия, метаболик синдром, қандли диабет, антифосфолипидли синдром каби прегестацион соматик

касалликларнинг, шунингдек уларда эрта ёки кеч репродуктив ёш, юқори паритет мавжудлиги, ҳамда прегравидар тайёргарлик олиб борилмаслиги каби омиллар преэклампсия ривожланишининг минтақавий ва ижтимоий юқори хавф омиллари сифатида қайд этилган;

хомиладорликнинг ангиоген биомаркерлари ва аутоагрессив протеинлар концентрациясидаги дисбаланс, ҳамда клиник-инструментал ва функционал ўзгаришлар тахлили асосида преэклампсиянинг қўшимча ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

хомиладор аёлларда икки босқичли скрининг асосида преэклампсиянинг юқори хавфини эрта аниқлаш, кам дозада аспирин, метафолин фолат ва Омега-3 ярим тўйинтирилган ёғ кислотлар тайинлашни ўз ичига олган комплекс превентив чоралар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалларнинг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирувчи умумий клиник-лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, эрта ва кечки преэклампсия кузатилган хомиладорларда клиник-анамнестик, инструментал ва иммунологик хусусиятларини аниқлаш, хавф омилларини белгилаш, уларни инобатга олган ҳолда преэклампсия профилактикаси ва мақбул даволаш тактикасини такомиллаштириш, прогностик мезонларга кўра даволаш усулларининг клиник самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида преэклампсия хавфи бўлган аёлларни прегестацион тайёрлаш, олиб бориш ва хавф гуруҳларини клиник босқичгача бўлган даврда эрта аниқлаш ва даволаш учун таклиф қилинган икки босқичли скрининг усули, унинг асосида эрта ва кеч преэклампсия ривожланишини прогнозлаш схемалари касалликни олдини олиш ва асосли равишда даволашга имкон бериши, бу эса ўз навбатида оналар ва чақалоқларда асоратлар ривожланиш хавфини камайишига ва даво самарадорлигини оширишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Преэклампсия хавфи бўлган беморларда прегравидар тайерланиш ва бошқаришни оптималлаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: Фарғона водийси шароитида Андижон вилоятидан олинган катта репрезентатив танланмада преэклампсиянинг ўртача тарқалиши 7,3% да учраши, оналар ёшининг, туғруқ паритетининг, тана вазнининг ортиб бориши, шунингдек, анамнезда артериал гипертензия, метаболик синдром, қандли диабет, антифосфолипидли синдром каби

касалликлар мавжудлиги преэклампсия ривожланишининг юқори хавф омиллари эканлиги ва уларнинг прогностик аҳамияти исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда бi-29/у-сон билан тасдиқланган ва «Эрта преэклампсия ривожланиши учун хавф омиллари бўлган аёлларни хомиладорликдан олдин тайёрлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона вилояти Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплексининг 2024 йил 04 июлдаги 2889/2024-сон ва Андижон шаҳар 2-туғруқ комплексининг 2024 йил 05 августдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/46-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта бошланган преэклампсия учун сезиларли хавф омиллари аниқланган аёлларни хомиладорликдан олдинги тайёргарлик ва антенатал бошқаришнинг тавсия этилган усули эрта преэклампсия ва патогенетик жихатдан боғлиқ бўлган она ва перинатал касалланиш ва ўлим улушини камайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология тиббиёт маркази” давлат муассасасининг тиббий хизмат кўрсатиш нархлари жадвалига асосан, эрта преэклампсияни даволаш ва аспирин билан профилактика қилиш учун ҳар бир беморга жами 5 648 638 сўм сарфланади. Тадқиқотда биринчи триместр скрининги ва аспиринни қўллаш асосида эрта ПЭ нинг тарқалиши жорий амалиётга асосланган ҳолда 41 нафарга нисбатан 14 нафарни ташкил этди. Биринчи триместрдаги скрининг дастурининг тахминий қиймати 79 080 932 сўм бўлган бўлса, ПЭ ташхиси қўйиш ва даволаш учун жами 231 594 158 сўм сарфланади. Бу Андижон вилояти мисолида республика соғлиқни сақлаш тизимида йилига қарийиб 152 миллион 513 минг 226 сўм иқтисод қилиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: эрта ва кечки преэклампсия хавфини баҳолашда плацентар ўсиш омилнинг (PIGF) концентрациясининг камайиши, эрувчи fms-симон тирозинкиназа-1 (sFlt-1) ва кардиолипинга (GPLC), фосфолипидга (GPLF) ва лептинга (GPLL) қарши антитаначалар миқдорининг эса ортиши билан намоён бўлувчи ахборотли диагностик биомаркерлар аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда бi-29/у-сон билан тасдиқланган «Лептин маркеридан (GPLL) фойдаланиш асосида эрта преэклампсияни башорат қилиш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Фарғона вилояти Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплексининг 2024 йил 04 июлдаги 2889/2024-сон ва Андижон шаҳар 2-туғруқ комплексининг 2024 йил 05 августдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/46-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: преэклампсиянинг биологик маркерлари ҳисобланган ўсишнинг плацентар омил (PIGF), тирозинкиназа-1 га ўхшаш эрувчан FMSнинг антиангиоген

омили (sFlt-1), аутоагрессив протеинлар, кардиолипига (GPLC), фосфолипидга IgG (GPLF) ва лептинга антитаначаларни (GPLL) аниқлаш ёрдамида эрта ва кеч ПЭ ривожланиш хавфи юқори бўлган хомиладор аёлларни аниқ ташхислаш, шу билан бирга профилактика ва даволаш самарадорлигини 30% га ошириш имконини берган. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: лептин маркеридан фойдаланган холда ПЭ ривожланишини башорат қилиш усули эрта ПЭ ривожланишини олдини олиш имкониятини беради ва соғлиқни сақлаш тизимида йилига қарийиб 152 миллион 513 минг 226 сўм маблағ иқтисод қилинади.

учинчи илмий янгилик: эрта ва кечки преэклампсия ривожланиш хавфини предиктив баҳолашда онадаги хатар омиллари ва биофизик кўрсаткичларга асосланган икки компонентли скрининг самардорлиги тасдиқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда бi-29/у-сон билан тасдиқланган ва «Эрта преэклампсия ривожланиши учун хавф омиллари бўлган аёлларни хомиладорликдан олдин тайёрлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона вилояти Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплексининг 2024 йил 04 июлдаги 2889/2024-сон ва Андижон шаҳар 2-туғруқ комплексининг 2024 йил 05 августдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/46-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта бошланган ПЭ хавфининг жиддий омиллари аниқланган аёлларни прегестацион тайёрлаш ва антенатал кузатишнинг таклиф этилган усули эрта преэклампсия улушини ҳамда у билан патогенетик боғлиқ бўлган оналик ва перинатаал касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: эрта ва кеч преэклампсия ривожланишининг таклиф этилган икки компонентли скрининг усули она ва чақалоқда преэклампсия ва унинг асосратларини даволашга сарфланадиган давлат бюджетининг 5.648.638 сўмини иқтисод қилиш имконини яртди. Хулоса: эрта ва кеч преэклампсияни башоратлаш учун онага боғлиқ ва биокимёвий омилларни ўз ичига олган икки компонентли скрининг учун тиббий хизматлар прејскурантига кўра жами 231 млн 594 минг 158 сўмни ташкил қилган бўлса, татбиқ кўлами бўйича (Андижон вилояти мисолида) харажатларни тежаш орқали ҳар бир аёл учун жами йилига 5 млн 648 минг 638 сўм, жами 79 млн 80 минг 932 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: эрта преэклампсиянинг юқори хавфи бўлган хомиладор аёлларнинг прегестацион парваришида қон томирлар эндотелийсини ҳимоловчи ва плацентар васкуляризацияни таъминловчи комплекс микронутриент ва антиагрегант профилактикага йўналтирилган ёндашувлар ишлаб чиқилганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда бi-29/у-сон билан тасдиқланган «Лептин маркеридан (GPLL) фойдаланиш асосида эрта преэклампсияни

башорат қилиш усули» ва «Эрта преэклампсия ривожланиши учун хавф омиллари бўлган аёлларни хомиладорликдан олдин тайёрлаш усули» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона вилояти Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплексининг 2024 йил 04 июлдаги 2889/2024-сон ва Андижон шаҳар 2-туғруқ комплексининг 2024 йил 05 августдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/46-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта ПЭ эҳтимоли юқори бўлган хомиладор аёлларда икки босқичли скрининг орқали ПЭ нинг юқори хавфини эрта аниқлаш, кам дозада аспирин (суткада 150 мг), метафолин фолати ва Омега-3 ярим тўйинтирилган ёғ кислотларини буюриш орқали эрта превентив чораларни қўллаш эрта ПЭ нинг ривожланиш частотасини қисқартириш ва хомиладорларнинг ҳаёт сифатини ошириш, фетал асоратларни камайтиришга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: эрта ПЭ ни даволаш ва аспирин билан профилактика қилиш учун ҳар бир беморга жами 5 648 638 сўм сарфланади. Тадқиқотда биринчи триместр скрининги ва аспиринни қўллаш асосида эрта ПЭ нинг тарқалиши жорий амалиётга асосланган ҳолда анқланган 41 нафар аёлга нисбатан 14 нафарни ташкил этди. Бу эса биринчи триместрдаги скрининг дастурининг тахминий умумий қиймати 79 080 932 сўм деб ҳисобланса, ПЭ ташхиси қўйиш ва даволаш учун 231 594 158 сўм сарфланади. Ҳар бир ПЭ ни бошланиши башорат қилинган аёллардан бюджет ҳисобидан жами 5 648 638 сўм иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 та хорижий, ундан 1 та Scopus базасида индексацияланган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар

ва диссертация тузилмаси бўйича тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Прееклампсия -мураккаб акушерлик синдроми. Клиник жиҳатлар, патологик хавфлар ва профилактика имкониятларига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида чет эл ва республикада чоп этилган адабий маълумотлар шарҳи, шунингдек, ҳомиладор аёлларда ПЭ ни ташхислашнинг замонавий усуллари таҳлили, унинг эпидемиологияси, этиологияси, патофизиологияси ва патогенези тақдим этилган. ПЭ эрта ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва прогнозлаш асосида унинг профилактикаси масалалари ўрганилган, уларнинг аналоглари ажратилган, камчилик ва афзалликларига ҳолис баҳо берилган. Ўтказилган таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларини асослаган.


Диссертациянинг «**Тадқиқот материали, ҳажми ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби клиник материал ва усуллар тавсифига бағишланган. Материални танлаш ва таҳлил қилишда ретроспектив, проспектив ва клиник-популяцион ёндашувлардан фойдаланилган. Тадқиқот 4 босқичда ўтказилган бўлиб 1-босқичда ПЭ хавфи асосий омиллари ретроспектив таҳлил қилинган. Бу гуруҳга ПЭ хавфи аниқланмаган, эрта ёки кеч ПЭ ривожланган стандарт кузатув остидаги бемор аёлларнинг (n=1621) туғруқ тарихлари киритилди. Шунингдек, ретроспектив тарзда 2018-2022 йй. Андижон шаҳридаги оилавий поликлиникаларда кузатувда бўлган ҳомиладор аёлларнинг туғруқ ва ўлими тарихлари ўрганилди. Ушбу гуруҳда аввалги ҳомиладорлик (лар) да ПЭ нинг асосий анамнезли хавф омиллари-ҳомиланинг ривожланиши орқада қолиши синдроми, оилавий анамнез, ёш ва туғруқ паритети, 35 ва ундан юқори ёш каби омиллар таҳлил қилинди. Онанинг кеч ПЭ нинг қон-томир хавф омилларига алоқадор бўлган ўткир ва соматик касалликлари ўрганилди. Юқорида аниқланган анамнез маълумотлари асосида ПЭ ривожланиши частотаси, Андижон шаҳри ва вилояти аёлларида ПЭ нинг клиник кечиши хусусиятлари, унинг структураси, ПЭ манифестациясининг устувор муддатлари, она ва перинатал оқибатлари аниқланди. 2-босқичда ПЭ нинг эрта ва кеч бошланиши таъсирчан ва ишончли хавф омилларини аниқлаш учун проспектив комбинацияланган скрининг-тадқиқот ўтказилди. Бунда плацентанинг вазни, бўйи, БВИ, ўлчамлари ва плацентар ва антиплацентар маркерлар, шунингдек, демографик оналик характеристикаларидан (n=534) фойдаланилди. Оғир прееклампсиянинг эрта (ПЭЭБ) ва кеч (ПЭКБ) шакли билан касалланган беморларда айланувчи ангиоген (яъни, PLGF) ва антиангиоген (яъни, sVEGFR-1), кардиолипин (GPLS), фосфолипид (GPLF) ва лептин (GPLL) омиллар профилларининг солиштира таҳлили амалга оширилди. Текширилган барча беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: нормал ҳомиладор беморлар (n=40); 2) оғир эрта ПЭЭБ (n=40); ва 3) оғир кеч ПЭКБ (n=36). 3-босқичда аёлларнинг эрта ва кеч ПЭ ва прегестацион тайёргарлигини прогнозлашдан кейин аралашувларнинг профилактик ва терапевтик самарадорлиги баҳоланди. Бу босқичида эрта ва кеч ПЭ ни танланмаган популяцияда прогнозлашдан кейин кичик дозаларда аспиридан фойдаланган ҳолда аралашувнинг профилактик ва терапевтик қиммати баҳоланди (1-расм).



1-расм. Эрта ва кечки презекламписяни прогноزلшдан кейинги аралашувларнинг профилактик ва терапевтик самарадорлигини баҳолаш алгоритми

Кейинги ўрганишлар учун 2 гуруҳ ҳомиладорлар текширилди. Аниқланган ПЭЭБ аломатлари бўлган юқори хавф гуруҳидаги беморларда оналик ва перинатал асоратларни таҳлил қилиш мақсадида FIGO тавсияларига мувофиқ аспириин буюрилди. Иккинчи гуруҳ эрта ПЭ бўлган «-» скринингли беморлардан шакллантирилди. Бу гуруҳдаги беморлар кузатув остида бўлиб, ҳомиладорликнинг 30-31-ҳафтасида кеч ПЭ хавфини аниқлаш учун тадқиқотлар такрорланди, ҳамда скрининги мусбат бўлган беморлар танлаб олинди. Иккинчи гуруҳдагиларнинг барчаси ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасида қон зардобининг иммунгистокимёвий таҳлилидан ўтказилиб, кеч ПЭ маркерлари - плацентар ўсиш омили – PLGF, антиангиоген-эрувчи ФМС га ўхшаш тирозинкиназа-1 (сФлт-1), аутоагрессив протеинлар; кардиолипинга антитаначалар (GPLS), фосфолипидга антитаначалар (GPLF), лептинга антитаначалар (GPLL). аниқланди: Мусбат скринингли иккинчи гуруҳ беморларига ПЭКБ (n=7) гестациясининг 30-31-ҳафтасида 150 мг дозада аспириин ва Омега-3 (оғиз орқали суткада 1000 мг) тайинланди.

Эрта ПЭ бўлган бемор аёллар гуруҳида ҳомиладорлик 34 ҳафталик муддатгача 11 нафар аёлда кесарча амалиёт билан, 4 нафарида пролонгация қилиниб, туғруқ табиий равишда 35-37 ҳафтада юз берган. Кеч ПЭнинг 23 та ҳолатида туғруқ 17 нафар ҳомиладор аёлда табиий йўл билан, 5 нафарида кесарча амалиёт орқали юз берган. Оқибатда тадқиқотнинг бу босқичида ўрганиш учун 2 гуруҳ ҳомиладор аёл танлаб олинди: биринчи гуруҳ (n=15) анамнезда (34 ҳафтагача) эрта ПЭга эга бўлган беморлардан, иккинчи гуруҳ эса (n=23) анамнезда (36+6 ҳафтагача) аёллардан ташкил топди (2-расм).




2-расм. Кейинги прогестацион парвариш ва даволаш учун аёллар когортасини танлашнинг блок-схемаси

Прегестацион тадқиқот ПЭ ривожланиши хавфини аввалги ҳомиладорликни аниқлашга асосланди. 1 ва 2 -гуруҳдаги барча аёлларга таркибида КОК бўлган Метафолин контрацепцияси тавсия қилинди. Ўртача прегестацион тайёргарлик 42 кунни ташкил қилди. 32 нафар аёлнинг ҳаммаси Метофолин фолатини 1-триместрда Элевит таркибида қабул қилишни давом эттирди. Бу тадқиқот иштирокчиларидан эрта ПЭ анамнезли 14 нафар бемор ва кеч ПЭ анамнезли 16 нафар бемор ҳомиладор бўлди ва стандарт антенатал кузатув компоненти сифатида Метафолин фолатни қабул қилишни давом эттирди. Қолган 8 бемор тадқиқотдан чиқиб кетди. Эрта ПЭ скрининг и 1-гуруҳдаги 4 нафар ҳомиладор аёлда ижобий бўлди, 2-гуруҳда 5 нафарда ижобий бўлди. Уларнинг барчасига ҳомиладорликнинг 16-хфтаасидан ҳар куни узулуксиз кечки овқатдан кейин 150 мг аспирин, Омега-3 қабул қилиш тайинланди. Назорат гуруҳига ПЭнинг анамнезли хавфига эга бўлмаган ва ҳомиладорлиги асоратсиз бўлган аёллар (n=30) киритилди. ПЭ ташхиси ISSHP да кўзда тутилган ПЭ ни аниқлаш мезонлари асосида қўйилди (2014). Fetal Medicine Foundation (FMF) протоколига мувофиқ доплер текшируви ўтказилди. Иммуноферментли таҳлил (ИФТ) учун, она қони намуналари нормал ҳомиладор аёллардан ёки режали кесарча амалиётдан олдин, шунингдек, преэклампсия ёки эклампсияси бор аёллардан ташхис қўйилган вақтда олинди. Иммунотаҳлилларда микдорий сендвич-ферментли иммунотаҳлил усулидан фойдаланилди (R&D Systems, АҚШ).

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда Колмогоров-Смирнов ва Манн-Уитни U-мезонларидан фойдаланилган. Маълумотларнинг нормал тақсимланишини текшириш учун Колмогоров-Смирнов мезонлари қўлланилди. Пропорцияларни таққослаш Фишернинг аниқ мезони ёрдамида


амалга оширилди. Узлуксиз ўзгарувчилар ўртасидаги корреляциялар Спирменнинг даражали корреляция тести ёрдамида текширилди. $p < 0,05$ қиймат статистик аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳридаги аёлларда замонавий шароитларда прееклампсия билан касалланишнинг ретроспектив таҳлили ва унинг клиник кечиш хусусиятлари” номли учинчи боби иккита қисмда тақдим этилган. Биринчи 3.1 қисмда прееклампсия ва эклампсия билан касалланишнинг ретроспектив таҳлили маълумотлари, иккинчи 3.2 қисмда эса 01.01.2018 й дан 31.12.2022 й.гача Андижон шаҳрининг замонавий шароитларида аёлларда ПЭнинг клиник кечиш хусусиятлари келтирилган. 2018—2022 йилларда Андижон шаҳрида жами 20291 нафар чақалоқ туғилиб, улардан 20145 нафари тирик туғилган. 402 та ҳолатда (3,8%) перинатал ўлим қайд этилиб, уларнинг ярмидан кўпи-246 ҳолат (67,7%) антенатал ўлимга тўғри келади. Чақалоқларнинг неонатал ва интранатал ўлим мувофиқ равишда 139 (35,5%) ва 10 (1,8%) (3-расм).




3-расм. 2018-2022 йилларда Андижон шаҳрида перинатал ўлим динамикаси

11,8% ҳолатда МАТ гипоксик шикастланиши аломатларига эга бўлган асфиксия ҳолатлари ташхисланган. 272 (2,7%) та бола чала туғилган, жумладан, 2500 г дан кам (2,7%) ва 76 та (0,4%) ўта чала туғилган (4-расм).



4-расм. 2018-2022 йилларда Андижон шаҳрида прееклампсия ва эклампсияси мавжуд аёлларда чала чақалоқлар туғилиши динамикаси


Таҳлил қилинган даврга прееклампсия кўринишидаги ҳомиладорлик асоратлари ўртача 1472 (7,3%) ҳомиладор аёлда учраган, бу дунё бўйича ПЭ нинг учраш статистикасининг юқори даражасини ташкил этади. 5-расмдан кўришиб турибдики, таҳлил қилинган йиллар бўйича динамика барқарор.



5-расм. 2018-2022 йиллар даврида Андижон шаҳридаги аёлларда ҳомиладорлик даврида ПЭ ва Э структураси ва динамикаси таҳлилининг динамикаси

Агар 2018 йилда ҳомиладорлар орасида ПЭ 7,4% ҳолатда учраган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 8,01% ҳолатни кўрсатади. Аммо ПЭ структураси таҳлили Андижон шаҳрида тадқиқот даврида ҳомиладорлар орасида оғир ПЭ ва эклампсия улушининг динамик равишда ортганини кўрсатади. Бундай ўсиб боровчи динамика ҳомиладорлик ва тууғруқнинг бошқа асоратларида ҳам қайд этилган. Ёш структураси таҳлилида биринчи бор ҳомиладор бўлган ўсмир аёллар ва туққан аёллар улуши катта эканлигини аниқланди ва 15 ёшдан 17 ёшгача ($n=20$, 4,5%), 18- 19 ёшдан ($n=828$, 92,8% ва 45 ёш ва ундан катта ёшдаги туққан аёллар 45 ёшдан катта ($n=11$, 2,7%) аёлларни ташкил этди, бу аёлларнинг етарли даражада маълумотлардан хабардор эмаслигини кўрсатади. Соматик касалликлар тизимида ўрта ва оғир даражали анемия (камқонлик) биринчи ўринда ($p<0,05-0,001$), кейин – буйраклар ва пешаб ажратиш йўллари касалликлари ($p<0,05$), семизлик ($p<0,05$), сурункали гипертензия, ЎРИ, қалқонсимон безлар касалликлари, бошдан кечирилган COVID-19 кабилар туради. Таҳлил қилинган давр (2018-2022 йй.) мобайнида ПЭдан 52,8% аёл вафот этди. Тадқиқотимиз материаллари бўйича ПЭ дан 9 нафар ва эклампсиядан 7 нафар, HELLP-синдромдан 2 нафар бемор вафот этган. Оғир ПЭ ва эклампсия ривожланиши частотаси Андижон шаҳрида ушбу қийматнинг ортиб бориш тенденцияси кузатилган. Ҳомиладор аёлларнинг ПЭ ва эклампсия билан касалланиши Андижон шаҳрида таҳлил этилган давр учун Андижон вилоятидагига нисбатан анча кўп (мувофиқ равишда 7,3% ва 4,0%, ($p<0,05$)). Тадқиқотнинг статистик натижалари кўрсатадики, ҳомиладорларнинг ўртача ёши 28,8+4,8 ни ташкил қилган. Паритет таҳлили биринчи бор ҳомиладор бўлган аёллар кўпчиликини ташкил қилган - 38,4%, қайта ҳомиладорлар 29,01%, анамнезда 3 тадан ортиқ ҳомиладорлик 27,6%

аёлларда кузатилган. Қайта ҳомиладор бўлган, биринчи бор туғайтган аёллар 25,0% ни, қайта туғайтганлар 39,53% ни, кўп туққанлар 27,6% ни ташкил этди. Мазкур гуруҳда прееклампсия 112 нафар (69,4%) ҳомиладор аёлда аниқланди. Асоратларнинг эрта шакли 41 (34 ҳафтагача) нафар аёлда ривожланган (36,4%). Бунда оғир прееклампсия 26 нафар (63,4%) аёлда ҳомиладорликнинг кечишини оғирлаштирган, мўътадил прееклампсия улуши 15 нафарни (36,6%) ташкил этган. ПЭЭБ ривожланиши муддатлари “скрининг (+)” ҳомиладорларда куйидагича тақсимланди: 29-30 ҳафта+6 кун–9 нафар (22%), 31-32 ҳафта+6 кун–21 нафар (51,2%), 33 ҳафта+6 кун–11 нафар (26,8%) ҳомиладор аёлда кузатилган. 11 нафар (73,3%) аёлда енгил прееклампсия ремиссияси, ва гестациянинг 37-ҳафтасигача ҳомиладорлик лонгация қилинди, оғир прееклампсияга ўтиш билан ривожланиб борган прееклампсия 4 нафар (26,7%) аёлда кузатилди. Ятроген эрта туғруқ 26,3% ҳолатда, табиий туғруқ 11 нафар (63,3%), кесарча кесиш 26,7% да амалга оширилди (6-расм).



6-расм. Ретроспектив таҳлил маълумотларига кўра замонавий шароитларда аёлларда ПЭ нинг клиник кечишининг хусусиятлари

Шу билан бирга, ушбу гуруҳда 10% беморда эрта прееклампсия билан енгил касалланиб, табиий йўл билан муваффақиятли туққан аёллар каби, ПЭ оғир кечиш, туғруқни индукция қилиш йўли билан муддатидан аввал яқунлаш талаб этилган аёллар 2,5% ни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу гуруҳни 5 нафар (4,5%) 15-17 ёшдаги ҳомиладор аёллар ва 3 нафар (2,7%) репродуктив ёшдан катта бўлган 45 ёш ва ундан катталар ташкил қилди. Прееклампсия хавфи бўлмаган гуруҳда (скрининг-манфий беморлар n=247) эрта шаклдаги ПЭ кузатилмаган, аммо 51 нафар (20,6%) ҳомиладор аёлда ИИИ триместрда кеч (34-36ҳафта+6 кун) ва эрта ПЭ шакллари 37 ва ундан кўп ҳафтада ривожланган (мос равишда 12,6% ва 10%). Ушбу гуруҳда ҳомиладорликнинг куйидаги яқунланишлари кузатилди: 12,3% ҳолатда эрта ятроген туғруқ юз бериб, улардан кесарча амалиёт орқали (16%) бемор, табиий йўллар орқали индукцияли туғруқ (1,01%) ҳомиладорларда кузатилган. Ўрганилган иккита гуруҳдаги оналарнинг перинатал натижалари ва перинатал патологиянинг тузилишини таҳлил қилиш қиёсий жиҳатдан ўтказилди (1-жадвал).

Қиёсланаётган ҳомиладорлар гуруҳидаги оналарнинг чақалоқларида
перинатал патология структураси

№	Кўрсаткичлар		Ҳомиладорларда преэклампсия скрининги				P
			манфий (n=247)		мусбат (n=162)		
			abs	%	abs	%	
1	Апгар шкаласи	7-10	226	91,5	128	79,1	>0,05
	бўйича баҳолаш, балл	5-6	21	8,5	34	21,0	<0,05
2	Чақалоқлар вазни, г		3300±110,1		3065±93,0		>0,05
3	Чақалоқлар гипотрофияси		3	1,2	8	4,9	>0,05
4	Чукур чалалик		0	0,0	2	1,2	>0,05
5	Перинатал ўлим		0	0,0	3	1,9	>0,05
6	Неонатал ўлим		0	0,0	1	0,6	>0,05
7	Антенатал ўлим		0	0,0	2	1,3	>0,05
8	МАТ гипоксик енгил шикастланиши		8	4,9	9	5,5	>0,05
9	МАТ гипоксик ўртача шикастланиши		2	0,9	34	20,9	>0,05

Худди шу кўрсаткичлар ҳомиладор аёлларда ПЭ бошланган вақтга боғлиқ равишда баҳоланди. Натижалар 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

ПЭ бошланиши муддатларига боғлиқ равишда янги туғилган чақалоқларда перинатал патология структураси (%)

№	Кўрсаткичлар		Ҳомиладорларда преэклампсия скрининги				P
			манфий (n=247)		мусбат (n=162)		
			abs	%	abs	%	
1	Апгар шкаласи	7-10	57	80,2	10	24,4	>0,05
	бўйича баҳолаш, балл	5-6	14	19,8	31	75,6	<0,05
2	Чақалоқлар вазни, г		2700±20,1		2350±53,0		>0,05
3	Чақалоқлар гипотрофияси		3	1,2	8	19,5	<0,05
4	Чукур чалалик		0	0,0	2	4,8	>0,05
5	Перинатал ўлим		0	0,0	3	7,3	>0,05
6	Неонатал ўлим		0	0,0	1	2,4	>0,05
7	Антенатал ўлим		0	0,0	2	4,8	>0,05
8	МАТ нинг гипоксик енгил шикастланиши		5	12,1	12	29,2	>0,05
9	МАТ нинг гипоксик ўртача шикастланиши		2	0,9	34	82,9	>0,05

ПЭ эрта ривожланганда 33 хафта+6 кунгача ҳомиладорлик даврида перинатал патология структураси янада оғир ва агрессив кўриниш олди. МАТнинг гипоксик шикастланиши (82,9%), гипотрофия (19,5%) ва жуда чуқур чала туғилиш (4,8%), перинатал ўлим (4,8%) кўпроқ кузатилди.

Диссертатсиянинг “**Оналик, биофизик ва биокимёвий мезонлардан фойдаланган ҳолда эрта ва кеч прееклампсия скрининги**” номли тўртинчи бобида эрта ва кеч прееклампсия бор ҳомиладор аёлларда оналик, биофизик ва биокимёвий мезонларнинг тизимли таҳлили келтирилган. Ўрганилаётган гуруҳларнинг демографик ва клиник характеристикаларини тадқиқ этиш натижалари қиёслама шаклда тақдим этилган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўрганилаётган популяциянинг демографик ва клиник тавсифи

Кўрсаткичлар	Нормал ҳомиладорлик (n=40)		Прееклампсия			
			ПЭКБ (n=40)		ПЭЭБ (n=36)	
	М, min-max	P	М, min-max	P	М, min-max	P
Онанинг ёши	20 (19-23)	>0,05	23,5 (18-27)	>0,05	17 (17-25)	<0,01
Биринчи марта туғаётганлар	87 (35)	<0,01	57,5 (23)	>0,05	75 (15)	>0,05
Ҳомиладорлик-гача ТВИ, кг/м ²	25,8 (22,7-28,3)	>0,05	27,6 (21,7-36,6)	>0,05	25,5 (24,0-29,3)	>0,05
Қон олаётган вақтда ТВИ, кг/м ²	30,7 (27,6-35,2)	>0,05	35,0 (27,6-44)	>0,05	34,8 (30,2-37,3)	>0,05
Делта ИМТ, кг/м ²	4,8 (3,2-8,2)	>0,05	5,1 (3,0-9,0)	>0,05	7,9 (5,1-12,2)	>0,05
Максимал сист. АБ, мм сим.уст.	120 (110-130)	<0,001	165 (151-180)	>0,05	159 (150-174)	<0,001
Максимал диаст. АБ, мм сим.уст.	68 (60-72)	<0,001	99 (88-104)	>0,05	96 (85-107)	<0,001
Қон олиш вақтида гестацион ёш	38,6 (34,5-39,9)	>0,05	37,5 (37,2-39,0)	>0,05	34,7 (34,2-38,9)	>0,05
Туғруқ вақтида гестацион ёш	39,9 (39,0-40,4)	<0,001	36,8 (34,9-38,9)	>0,05	34 (33,2-39,2)	<0,001
Туғилган вақтдаги вазн, гр	3400 (3122-3674)	<0,001	2624 (2030-3062)	>0,05	2569 (1546-3227)	<0,001

Тадқиқ этилаётган гуруҳлар ўртасида демографик тавсифларининг анчагина кўрсаткичлари бўйича медианларда, шунингдек, текширув вақтида ўртача гестацион ёш бўйича жиддий тафовутлар аниқланди. Оғир ПЭЭБ ва/ёки ПЭКБ бўлганда медианлар нормал ҳомиладорликдаги аёлларнинг максимал систолик ва диастолик артериал босимидан ва ҳомиланинг гестацион ёшининг қуйи медианларидан ҳамда туғруқ вақтида янги туғилган чақалоқнинг вазнидан анча юқори бўлган (P>0,05).

Эрта прееклампсия ва кеч прееклампсияга чалинган беморлар ўртасида оналарнинг ёши ва туғруқ паритети сезиларли фарқланади ($P>0,001-0,01$). ПЭЕБ учун туғруқ вақтида ҳомиланинг гестацион ёши (хафталар) ва нормал ҳомиладорликда туғруқ вақтидаги вазн каби кўрсаткичларда ҳам тафовутлар ишончли бўлган ($P>0,001$). Худди шу кўрсаткичлар бўйича КБПЭ ва ЭБПЭ ўртасида тафовутлар минимал бўлди. Бошқа демографик кўрсаткичлар бўйича жиддий тафовутлар кузатилмаган. Ҳомиладорлиги нормал кечаётган аёлларнинг, ПЭЕБ ва ПЭКБ беморларнинг қон зардобидаги биоген омиллар - ангиоген PLGF, антиангиоген sVEGFR-1, кардиолипин GPLS, фосфолипид GPLF ва лептин GPLL миқдори ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

Физиологик ҳомиладор ва эрта ва кечки прееклампсия аниқланган аёлларнинг қон зардобида PLGF, sVEGFR-1, GPLS, GPLF ва GPLL миқдори

Кўрсаткичлар, пг/мл	Нормал ҳомиладор- лик, (n=30)	ПЭКБ (n=40)	ПЭЕБ (n=36)	P ₁	P ₂
PLGF омили	349,20	82,4	42,4	<0,001	<0,001
Антиангиоген омил, sVEGFR-1	7,252	22,630	25,080	<0,001	<0,001
Кардиолипин Ig G, GPLS	1,4	1,3	1,1	<0,001	<0,001
Лептин, GPLL	18,6	35,5	52,2		
Фосфолипид Ig G, GPLF	1,2	1,1	1,1		

Изох: P₁- нормал ҳомиладорлик ва ПЭЕБ/ПЭКБ, P₂- ПЭЕБ ва ПЭКБ

ПЭКБ (82,4 пг/мл) ва ПЭЕБ (42,4 пг/мл) бўлган беморларнинг оналик зардобида PLGFнинг ўртача қиймати соғлом ҳомиладор аёллардаги (349,20 пг/мл) ($p<0,001$) кўрсаткич даражаси билан қиёслаганда анча паст. ПЭЕБ ва ПЭКБ бўлган беморларда антиангиоген омилнинг (sVEGFR-1) кўрсаткичлари ҳомиладорлиги нормал кечаётган аёллардагига нисбатан ишончли равишда юқори бўлди. Тадқиқотларимизда ПЭКБ ва ПЭЕБ орасида sVEGFR-1 миқдорида тафовутлар аниқланмади. Биокимёвий тадқиқот вақтида она ёши ва ҳомиладорлик муддатига тузатиш киритилгандан кейин ҳам оналик зардобидаги PLGF ва ПЭКБ/ПЭЕБ концентратсиялари ўртасида боғлиқлик аҳамиятсиз даражада қолди (ДИ 0,998–1,005; $p=0,37$). Шунингдек, биоген оқсиллар кўрсаткичларининг ташхислашдаги юқори аҳамиятини қайд этиш жўиз. 4-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳомиладорлик нормал кечганда биоген амин-лептин (GPLL) концентратсияси ПЭЕБ ($P<0,001$) да ҳам, ПЭКБда ($P<0,01$) ҳам GPLL кўрсаткичига нисбатан фарқланган. Ўрганилаётган ҳомиладор аёллар гуруҳлари бўйича кардиолипин (GPLS) ва фосфолипид (GPLF) кўрсаткичларида статистик ишончли тафовутлар аниқланмади.

Оналик зардобидаги ўртача медиана PLGF ПЭКБ бўлган беморларда (14,6 пг/мл, кватиллар орасидаги масофа (IQR) 11,0-25,0) ва ПЭЕБ бўлган беморларда (30,0 пг/мл, IQR 44,9-145,9) ҳомиладорлиги нормал кечаётган аёллардагига нисбатан ишончли равишда пастроқ (иккала қиёслов учун 257,1 пг/мл, IQR 122,3-379,4; $p<0,001$) бўлган (5-жадвал).

Текширилган ҳомиладор аёлларда (пг/мг) плацентар омилнинг (PLGF) кватриллар орасидаги интервали (IQR) кўрсаткичлари

IQR кўрсаткичи	Соғлом ҳомиладорлик (n=40)	ПЭЭБ (n=36)	ПЭКБ (n=40)	P ¹	P ²
Мах	1215,0	93,0	45,0	<0,001	<0,001
Q ₁	122,3	28,0	11,0	<0,001	<0,001
Q ₂ (медиана)	257,1	30,1	14,6	<0,001	<0,001
Q ₃	379,4	58,1	25,0	<0,001	<0,001
min	22,3	9,9	4,5	<0,001	<0,001

Изоҳ: P¹- нормал ҳомиладорлик ва ПЭЭБ/ПЭКБ, P²- ПЭЭБ ҳамда ПЭКБ

Қон зардобидида sVEGFR-1 нинг ўртача концентратсияси ПЭЭБ (45, 06 пг/мл, кватриллар орасидаги масофа (IQR) 15,0–60,45) ва ёки КБПЭ (23, 52 пг/мл, IQR 18, 44–41, 19) оғир кечаётган беморларда ҳомиладорлиги нормал кечаётган аёлларга нисбатан юқори бўлган. (иккала қиёслов учун 4, 48 пг/мл, IQR 2,64–6,0; p<0,001). Оғир ПЭЭБ ва ПЭКБ (p=0,2). бўлган беморлар орасида оналик зардобидида sVEGFR-1 концентратсиясининг медианаси жиддий фарқ бўлмаган (6-жадвал).

6-жадвал

Текширилган ҳомиладор аёлларда (пг/мл). антиплацентар омилнинг (sVEGFR-1) кватриллар орасидаги интервал (IQR) кўрсаткичлари

IQR кўрсаткичи	Соғлом ҳомиладорлик (n=40)	ПЭЭБ (n=36)	ПЭКБ (n=40)	P ¹	P ²
Мах	16,0	100,0	100,0	<0,001	
Q ₁	2,64	15,0	18,44	<0,001	
Q ₂ (медиана)	4,48	45,060	23,52	<0,001	<0,01
Q ₃	6,0	60,45	41,19	<0,001	
min	1,0	8,0	10,78	<0,001	

Изоҳ: P¹- нормал ҳомиладорлик ва ПЭЭБ/ПЭКБ, P²- ПЭЭБ ҳамда ПЭКБ

